

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ҚАРАМ ҚИЛИНИШИ

Нуриддинов Турдали Қамбарович

Қўқон давлат педагогика институти,

Тарих фанлари буйича фалсафа доктори

Кимсанбоев Рахмонжон

Қўқон давлат педагогика институти тарих факултети

3-босқич талабаси

Турон 23, Қўқон, 150700, Ўзбекистон;

E-mail: turdali.nuridinov@mail.ru

Аннотация: Статья посвящена историю установления экономического и финансового господства Российской империи над Бухарском эмиратом в конце XIX – начале XX века.

Ключевые слова: Бухара, протекторат, экономическая зависимость, финансовый капитал,

Annotation: This article highlights the issues of trade relations of the Bukhara trade department operating in the cities of Transcaucasia with American firms in 1922-1923.

Key words: BNSR, Transcaucasia, trade representation, Kavkaz Trading, Gershkovich and son

XXV асрдан кўпроқ тарихи давомида кўҳна Бухоро не – не воқеаларни ўз бошидан кечирмади. Шонли тарихга эга шаҳар ва шу ном билан ўзбек давлатчилиги тарихида муносиб ўринга эга бўлган мазкур давлат XIX аср иккинчи ярмида ўз мустақиллигини йўқотди ва Россия империясига қарам бўлиб қолди. Ушбу масала тарихчи олимларимиз томонидан кўп ёритилганлиги важдан мустамлакачи ҳукмдорлар томонидан Бухоро мустақиллигини тугатиш йўлида амалга оширилган айрим масалаларни муштарийлар ҳукмига ҳавола қилишни лозим топдик. Амирлик қарам қилинган, ўз ҳукмронлигига давомий тус бериш мақсадида XIX аср охири XX аср бошларида Россия капитали Бухоронинг иқтисодий ресурслари устидан тўлиқ ўз ҳукмронлигини ўрнатиш тадбирларини амалга оширди. Олиб борилган сиёсатнинг асосий моҳияти Бухорони ташқи дунёдан ажратиб, уни яққалаб қўйишга қаратилган эди. 1882 йилдан Ўрта Осиёга чет эл маҳсулотлари киритилишининг тақиқланиши, 1885 йилдан Бухоро амирлигининг Россия божхона тизимида киритилиши натижасида Бухоро иқтисодиёти Россия капиталига бутунлай қарам бўлиб қолди. Ўрта Осиё темир йўлининг 1888 йилда Самарқандгача етказилиши, кейинчалик 1906 йилда Оренбург-Тошкент темир йўлининг ишга туширилиши

натижасида Ўрта Осиё, шу жумладан, Бухоро бозори устидан рус капитали ҳукмронлиги ўрнатилди [1.77]. Юқоридаги жараёнларнинг амалга оширилиши натижасида сиёсий мустақилликдан маҳрум бўлган Бухоро амирлиги ташқи иқтисодий муносабатларда Россия капиталига қарам бўлиб қолди. Бу жараён айниқса, XX аср бошларида амир Олимхоннинг ҳукмронлиги даврида кучайди. Бухорода етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари империя манфаатларига хизмат қила бошлади. Бухоро хом ашёси- пахта, қоракўл тери, жун, ширинмия, ипак, куруқ мевалар асосан, Россия бозорига чиқарилар эди. Ўтган аср бошларида Россия бозорига чиқариладиган маҳсулотлар ичида пахта хом ашёси миқдори доимий равишда ортиб борди. 1860 йилда Бухородан Россияга 60 000 пуд, XX аср бошида 1 200 000 пуд, I жаҳон уруши арафасида 2 624 000 пуд пахта хом ашёси чиқарилган эди [1.77].

Бухоро амирлиги устидан Россия протекторати ўрнатилган дастлабки йилларда Бухородан Россияга йилига 30-40 минг дона қоракўл тери чиқарилган бўлса, 1914 йилга келиб бу кўрсаткич 1 800 000 донага етиб, Бухородан Россияга чиқарилган жами маҳсулотларнинг 42%ни ташкил этган эди [1.78]. Бухородан Россияга жун чиқариш 1860 йилда 150 000 пудни ташкил этган бўлса, 1914 йилда бу кўрсаткич 200 000 пудни ташкил этган. I жаҳон уруши арафасида йилига 50 000 дона гилам, 25 000 пуд хом ипак, 250 000 пуд куруқ мева ва кишмиш чиқарилган. Бухоро амирлигидан ташқи бозорга чиқариладиган маҳсулотнинг 83% қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган. Шундай қилиб, XX аср бошларида Бухоро амирлиги Россия империясининг хом-ашё етказиб берувчи ҳамда рус саноат маҳсулотлари сотиладиган энг йирик минтақалардан бирига айланди.

Ўз навбатида Бухоро амирлигининг халқ хўжалиги Россия саноат маҳсулотлари ва бу ердан келтириладиган ғаллага қарам бўлиб қолди. Бухорога олиб кирилган саноат маҳсулотларининг 95,5%ни Россия маҳсулотлари ташкил қилган [1.77]. Бухоро амирлиги ва Россия ўртасидаги савдо айланмаси 1914 йилда 75 млн. рубль маблағни ташкил этган. Ҳар икки ўртадаги савдо муносабатлари 10 та воситачи, 50 та савдо корхоналари қўлига тўпланган эди [1.77]. Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо-сотик ишлари Россиянинг тўртта транспот жамияти томонидан амалга оширилган эди. XX аср бошларида Бухорода рус капитали билан боғланган маҳаллий савдо-воситачи қатлам вужудга келди ҳамда Бухорода жадиличиликнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутди.

XX аср бошларида Россия империясининг ҳукмрон доиралари ичида Бухоро амирлигининг ички мустақиллигини йўқотиб, унинг ҳудудини Россиянинг ички губернялари қаторига қўшиш масаласи ҳам кўтарилган эди. Мазкур масала 1909 йилда ўтказилган иккита кенгашда, 1910 йил 28 январда империя министрлар

кенгашининг махсус мажлисида, шунингдек, 1916 йилда император ҳукумати ҳузуридаги махфий кенгашда атрофлича муҳокама қилинган эди [1.79]

Россия ҳукмрон доиралари тазйиқи билан Бухоронинг рус божхона тизими тартибига киритилиши, шунингдек, амирликда ўтказилган пул ислоҳоти натижасида Бухоро хўжалиги рус капиталига қарам бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Туркистон генерал-губернатори Кауфман Бухоро амирини ”энг итоатгўй туман бошлиғи”, деб бежиз таъкидламаган эди [2.213].

Бухоро амирлиги мустақиллигининг тугатилиши Бухоронинг илғор жамоатчилиги орасида кучли норозиликни келтириб чиқарди. XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлигининг ички ва ташқи ахволини ўрганишда ўз даврининг машҳур олимлари А.Дониш, Сомий, Салимий ва Фитрат асарлари муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг асарларида Бухоро амирлигининг мустамлакачилик даврида оғир ахволга тушиб қолганлиги, мамлакат тараққиётини таъминлаш учун ислоҳотлар ва ўзгаришлар зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Бухоронинг илғор жамоатчилиги Россия мустамлакачилигидан халос бўлиш учун бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Бу даврда Бухоро амирлигининг ижтимоий ҳаётида жаҳидлар ўзгаришлар, ислоҳотлар тарафдорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Бухоро зиёлилари, илғор савдо-саноат доиралари орасида ёшларни хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш ҳаракатлари бошлаб юборилди. Бухоронинг диний намоёндалари томонидан рус мустамлакачилигига қарши тарғибот ишлари бошланди. Бухоро амирлигининг илғор фикрли уламолари амирликни рус мустамлакачилигидан халос қилиш учун хориж мамлакатларининг ёрдамига умид қилган эдилар. Бухоро уламоларидан 56 киши 1910 йилда Туркия ва Афғонистон ҳукмдорларига махсус хат билан мурожаат қилиб, унда Бухорони Россия васийлигидан халос қилиш сўралган эди [1.78]. Бундан ташқари Бухоро уламолари I жаҳон уруши даврида, аниқроғи, 1915 йилда Туркия Германия томонида туриб, Россияга қарши урушга кирганда туркларга ёрдам жамғармасини тузган эдилар. Шунингдек, Бухоро уламолари 1916 йилда Жиззах аҳолиси чоризмга қарши кўзғолон кўтарганда, амирлик аҳолисини кўзғолончиларга ёрдам беришга ташвиқ қилган эдилар [1.80].

XX аср бошларида амирлик халқ хўжалигини рус капитали томонидан талаш сиёсати кучайди. Бу даврда Бухоро амирлиги ҳудудида ташкил этилган рус манзилгоҳларида барпо этилган саноат корхоналарининг сони ортиб борди. Агар 1905 йилда Бухоро амирлиги ҳудудида рус капиталининг 9 та пахта тозалаш заводи мавжуд бўлган бўлса, 1913 йилда 50 дан ортиқ саноат корхоналари бўлиб, 26 тасини пахта тозалаш заводлари ташкил этган эди [1.80]. Биринчи жаҳон уруши даврида Бухоро темир йўлининг қурилиши амирлик халқ

хўжалиги устидан рус капиталининг ҳукмронлигини янада кучайишини таъминлади.

XIX аср охирида рус капитали Бухоро хўжалигини молиявий томондан ҳам асоратга сола бошлади. Рус давлат банки, Рус-Осиё банки, Осиё-Дон ташқи савдо банки каби молия корхоналари Бухоро амирлигининг молиявий ҳаёти устидан ўз ҳукмронликларини ўрнатган эдилар. Натижада амирлик халқ хўжалигида муҳим ўрин тутган ташқи савдода рус капитали ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолди.

XIX аср охирида Бухоронинг ташқи савдо айланмаси 40 млн. рублни ташкил этган бўлса, биринчи жаҳон уруши арафасида 75 млн. рублни ташкил этиб, унинг асосий қисми рус-бухоро савдо муносабатлари ҳиссасига тўғри келган. Шу даврда Бухоро бозорига ҳинд, афғон, форс маҳсулотлари олиб кирилган бўлсада, мазкур маҳсулотлар хусусий савдогарларга тегишли бўлиб, катта миқдорни ташкил этмаган. Қўшни давлатларнинг савдогарлари Бухоро бозорида қорақўл тери, хом ипак, рус чинни маҳсулотларини харид қилганлар. Бухоро амирлиги ва қўшни давлатлар ўртасида транспорт коммуникацияларининг ривожланмаганлиги икки томонлама савдо алоқаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган.

Рус капитали Бухоро амирлиги хўжалигининг энг сердаромад соҳалари пахтачилик, қорақўл тери етиштириш, ипакчилик соҳалари устидан ўзининг тўлиқ ҳукмронлигини ўрнатган эди. Лекин мазкур даврда рус капитали Бухоронинг улкан табиий қазилма бойликларини ўзлаштиришга деярли аҳамият бермаган эди.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, рус мустамлака маъмурияти Бухоро амирлигини расман ўз таркибига киритмаган бўлсада, амирлик амалда империянинг уезди даражасига туширилган эди. Мустамлака тартиблари метрополия манфаатларини кўзлаган сиёсат олиб борилишини таъминлади. Бу эса табиийки, Бухоронинг турли ижтимоий қатламларида норозиликни келтириб чиқарди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ишанов.А. Бухарская Народная Советская Республика Т., «Узбекистан», 1969
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. I-китоб. Т ”Шарқ”, .2000. Б..213-214
3. Ўз.Р.МА, 3- фонд,2-рўйхат,66-иш,78-варақ.
4. Ишанов.А. Бухарская Народная Советская Республика Т., «Узбекистан», 1969, стр. 80.